

Рамазон ойида 1 600 дан зиёд масжидда 27 кун давомида хатми Қуръон ўқилади



16:05 / 10 март 1574

Жорий йил Рамазон ойида юртимиздаги 2000 дан ортиқ масжидларда таровеҳ намози, шулардан 1 600 дан зиёдида 27 кун давомида Қуръони карим хатм қилинади. Бунинг учун мазкур масжидларга 3 000 нафардан кўп хушовоз қорилар жалб этилади.

Таровеҳ намозининг фазилати ҳақида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: "Ким Рамазон ойида иймон билан савоб умидида (таровеҳда) қоим бўлса, аввалги гуноҳлари кечирилади" (Имом Бухорий). Демак, ушбу муборак ойни ғанимат билиб, Ҳақ таоло розилиги учун кундузлари рўзадор бўлиб, оқшомлари таровеҳ намозларидаги хатми Қуръонларда бардавом бўлсак, гуноҳларимиз кечирилиб, улкан ажру савобларга эга бўламиз, инша Аллоҳ.

Эслатиб ўтамиз, юртимиз масжидларида таровеҳ намози шу йил 10 март, якшанба куни хуфтон намозидан кейин бошланади.